

**ҚОРАҚҰЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.12.2019.Qx.75.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚҰЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

УРИМБЕТОВ АХМЕТ АБДИРАЗАКОВИЧ

**ШИМОЛИЙ – ҒАРБИЙ ҚИЗИЛҚУМ ШАРОИТИДА ҚОРАҚАЛПОҚ СУР
ҚОРАҚҰЛ ҚҰЙЛАРИНИНГ ЭТОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**06.02.03 – Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш
технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2020

УЎК: 636.32/38.088:591.5 (252)

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Уримбетов Ахмет Абдиразакович

Шимолий – Ғарбий қизилқум шароитида қорақалпоқ сур қорақўл
қўйларининг этологик хусусиятлари.....5

Уримбетов Ахмет Абдиразакович

Этологические особенности каракульских овец сур каракалпакского
породного типа в условиях Северо-Западных Кызылкумов.....21

Urimbetov Axmet Abdirazakovich

Ethological features of Karakalpak sur Karakul sheep in the conditions of the
north-western Kyzylkum.....38

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published work.....41

**ҚОРАҚҰЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.12.2019.Qx.75.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚҰЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

УРИМБЕТОВ АХМЕТ АБДИРАЗАКОВИЧ

**ШИМОЛИЙ – ҒАРБИЙ ҚИЗИЛҚУМ ШАРОИТИДА ҚОРАҚАЛПОҚ СУР
ҚОРАҚҰЛ ҚҰЙЛАРИНИНГ ЭТОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**06.02.03 – Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш
технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Qx265 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифаси www.uzkarakul.uz ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бобоқулов Насилло Асадович

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Турганбаев Рўзимбай Уразбаевич

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Ажиниязов Бахытбай Кенесбаевич

қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:

Ипакчилик илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.05/30.12.2019.Qx.75.01. рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «25» 08 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140154, Самарқанд, М.Улуғбек кўчаси, 47 уй. Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти, мажлислар зали 2-қават, тел.: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81; e-mail: uzkarakul30@mail.ru).

Диссертация билан Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (174 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140154, Самарқанд, Мирзо Улуғбек кўчаси, 47 уй, институт маъмурий биноси, 1-қават Тел.: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81.

Диссертация автореферати 2020 йил «14» 08 куни тарқатилди.
(2020 йил «14» 08 даги 5 рақамли реестр баённомаси)



М.Э.Аширов

М.Э.Аширов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
ўринбосари, қ-х.ф.д., профессор

М.Ш.Исмаилов

М.Ш.Исмаилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, қ-х.ф.д., катта илмий ходим

С.Ю.Юсупов

С.Ю.Юсупов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, қ-х.ф.д.,
профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Қорақўлчилик республика чорвачилигида муҳим ўрин тутадиган соҳалардан бири ҳисобланиб, унинг асосини ташкил этувчи қорақўл қўйлари қарийб 20,0 млн. гектар оғир экстремал шароити билан характерланадиган чўл яйловларидан фойдаланишга мослашган. Қорақўл қўйларининг асосий маҳсулоти бўлган қорақўл терилари ранг, рангбаранглик ва турли хил гулларининг жозибадорлиги билан дунё миқёсида тенгсиз ҳисобланади.

Дунё бўйича қорақўл қўйларининг қайд этилган қимматли хусусиятлари уларнинг 40 дан ортиқ давлатларга тарқалиши ва урчитилишига сабаб бўлган. Бу мамлакатлар ичида Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон, Жанубий Африка Республикаси, Намибия, Афғонистон қорақўлчилик ривожланган давлатлар қаторига киради¹.

Ҳамдўстлик давлатларидан Россия федерациясининг Қолмиқ республикаси, Украина, Молдовада қорақўл қўйлари урчитилади. Ушбу давлатларда қорақўл қўйларининг ирсиятини такомиллаштириш, генофондини кенгайтириш, маҳсулдорлик ва ирсий хусусиятларини яхшилаш каби йўналишларда кенг қамровли илмий – тадқиқот ишлари бажарилган, турли ранг, рангбаранглик, гул типларидаги қўйларнинг қимматли генотиплари яратилган.

Таъкидлаш лозимки, бажарилган натижадор тадқиқот ишларига қарамай қорақўл қўйларининг ҳали фойдаланилмаган захиралари мавжуд. Уларни юзага чиқариш келгуси тадқиқот ишларининг вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон республикаси Президенти ва ҳукумати халқ хўжалигининг барча соҳалари каби қорақўлчилик соҳасини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратиб келмоқда. Республикани 2017- 2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида “...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, чорвачиликни жадал суръатлар билан ривожлантириш, чорвачилик маҳсулотларига аҳолининг тобора ўсиб бораётган талабини қондириш” га алоҳида эътибор қаратилган².

Ўзбекистон республикаси Президенти томонидан охириги 3 йилда фақат қорақўлчиликни ривожлантириш бўйича қабул қилинган 2017 йил 16 мартдаги “Чорвачиликда иқтисодий ислохатларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора – тадбирлар туғрисида” ги ПҚ-2841 – сонли, 2018 йил 14 мартдаги “Қорақўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора – тадбирлари туғрисида” ги ПҚ -3603 ва 2019 йил 16 августдаги

¹ www.fao.org/3/a-a1250r.pdf

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси туғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фарм

“Қоракўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4420 – сонли қарорларида соҳани ривожлантиришга имкониятлар очиб бериш билан бир қаторда истиқбол учун янги вазифалар белгиланган.

Ушбу диссертация тадқиқоти қайд этилган қарорларда белгиланган вазифаларнинг бажарилишига муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларини ривожланишининг V- “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф- муҳит муҳофазаси” устивор йўналиши доирасида бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Кўпчилик давлатларда қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг этологик хусусиятларини, ушбу хусусиятларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларининг шаклланишига таъсирини ўрганиш бўйича қатор тадқиқот ишлари бажарилган. Хусусан, В. Заритовский ҳайвонларнинг этологиясини ўрганиш йўналишида, Л. К. Эрнст, Я. Гауптман, А. Кахаров, А.А.Юлдашев қорамоллар этологиясини ва унинг маҳсулдорликка таъсирини ўрганиш йўналишида тадқиқотлар олиб бориб, ушбу кўрсаткичга боғлиқ ҳолда маҳсулдорликни бошқариш мумкинлигини таъкидлаганлар.

Қўйларнинг этологик хусусиятларини ўрганиш йўналишида Д. К. Беляев, В. Заритовский, Г. А. Стакан, В. Н. Мартинова, Г. И. Емелянов, М. Л. Лиев ва бошқалар томонидан самарали тадқиқотлар амалга оширилиб, ижобий ечимлар топилган.

Қоракўлчиликда ушбу йўналишда жуда кам тадқиқотлар бажарилган. Н.А.Бобокулов томонидан қора рангли, А.Р.Юсупов томонидан бухоро сури рангли, А.Х.Хатамов томонидан қорақалпоқ сур рангли қўйларида адир шароитида тадқиқот ишлари амалга оширилган. Қорақалпоғистоннинг оғир экстремал кумли чўл худудида бундай тадқиқотлар умуман бажарилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий – тадқиқот муассасасининг илмий – тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси бўйича илмий – тадқиқот ишлари Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти тематик режасининг 2018-2020 йилларга мўлжалланган ҚХ-А-ҚХ-2018-67- “Янги ташкилий – хўжалик юритиш шароитида қоракўлчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ресурстежамкор, экологик тоза технологиялари асосида қоракўл қўйларини озиклантириш ва сақлаш жараёнларини модернизациялаш” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Шимолий – ғарбий қизилқум худуди шароитида урчитилувчи қорақалпоқ сур қоракўл қўйларининг этологик хусусиятлари, этограмма кўрсаткичлари, ушбу хусусиятларнинг қўйларда ва уларнинг авлодларида маҳсулдорлик кўрсаткичларининг шаклланиши ҳамда намоён бўлишига таъсирини ўрганиш асосида улар маҳсулдорлигини ошириш йўллари аниқлаш тадқиқотнинг мақсади ҳисобланади.

Тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ сур қорақўл қўйларининг этологик хусусиятларини ўрганиш;

турли этологик типдаги қорақалпоқ сур қорақўл қўйлари авлодларининг барра – тери хусусиятларини ўрганиш;

турли этологик типларнинг қўзиларнинг конституционал ва ҳаётчанлик кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш;

турли этологик типдаги қорақалпоқ сур қорақўл қўйлар авлодларининг тирик вазн, экстерьер ўлчамлари, тана тузилиш индекслари ва уларнинг ёш динамикаси хусусиятларини ўрганиш;

турли этологик типдаги қўйларнинг жун, гўшт ва сут маҳсулдорлигини ўрганиш.

Тадқиқот объекти сифатида қорақалпоқ сур қорақўл қўйлари, улардан олинган авлодлар, қорақўл терилари, жун, гўшт ва сут маҳсулоти танланган.

Тадқиқот предмети. Шимолий – ғарбий Қорақалпоғистон шароитида қорақалпоқ сур қорақўл қўйларининг этологик ва унга боғлиқ ҳолда уларнинг маҳсулдорлик хусусиятларини ўрганиш тадқиқот предмети ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. В. С. Заритовский ва бошқалар усулида (1990) озуқага бўлган “озикланиш – характерланиш” реакциясига қараб қўйларнинг маълум бир этологик типга мансублиги аниқланган. Тажрибадаги қўйлардан олинган авлодларнинг барра тери кўрсаткичлари “Қорақўлчиликда наслчилик ишларини юритиш ва қўзиларни баҳолаш (бонитировка қилиш) бўйича қўлланма (С.Ю.Юсупов ва бошқ., 2015) асосида баҳоланган. Экстерьер, ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари умум қабул қилинган услублар бўйича ўрганилган (А. И. Чижик (1979). Қўйларнинг гўшт маҳсулдорлиги “Изучение мясной продуктивности овец” услубий тавсияларига асосан (А. А. Вениаминов (1972) ва бошқалар), жун ва сут маҳсулдорлиги маҳсулот миқдорини ўлчаш йўли билан аниқланган. Рақамли маълумотларга вариацион статистика усулларида “Руководство для биометрии для зоотехников” (Н. А. Плохинский (1969) қўлланмаси бўйича математик ишлов берилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

илк бор Шимолий – ғарбий Қорақалпоғистон шароитида урчитилувчи қорақалпоқ сур қорақўл қўйларининг этограмма кўрсаткичлари, этологик хусусиятлари ва уларнинг маҳсулдорлик билан боғлиқлик даражалари аниқланган;

турли этологик хусусиятлар билан характерланувчи қорақалпоқ сур қорақўл қўйларининг ҳаётчанлик ва конституционал хусусиятлари аниқланган;

турли этологик типларга мансуб қорақалпоқ сур қорақўл қўйларининг ёш динамикаси миқёсида экстерьер, тирик вазн, тана ўлчамлари ва тана

тузилиш индекслари кўрсаткичлари, гўшт, сут ва жун маҳсулдорлиги аниқланган;

турли этологик типга мансуб қорақалпоқ сур қоракўл қўйлари авлодларига барра тери белгиларининг намоён бўлиш даражалари бўйича баҳо берилган ва уларнинг ўхшашлик ва фарқланиш хусусиятлари аниқланган;

турли этологик типдаги қорақалпоқ сур қоракўл қўйлари кайд этилган кўрсаткичлар бўйича баҳолаш натижалари асосида улардан самарали фойдаланиш йўллари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Шимолий – ғарбий қизилқум худудида урчитилувчи қорақалпоқ сур қоракўл қўйлари энологик хусусиятларини ўрганиш асосида уларнинг этограмма кўрсаткичлари ҳамда этологик структураси аниқланган ва шу асосда қўйларнинг маҳсулдорлик хусусиятларига баҳо берилган;

турли этологик типдаги қорақалпоқ сур қоракўл қўйлари шароитга мослашиши бўйича ҳаётчанлик даражалари ва конституционал хусусиятлари аниқланган;

турли этологик типдаги қорақалпоқ сур қоракўл қўйларининг экстерьер, тирик вазн, тана ўлчамлари, тана тузилиш индекслари ва уларнинг ёш даврлари бўйича ривожланиш динамикасининг ўзига хос хусусиятлари, барра – тери, гўшт, сут ва жун маҳсулдорлигини тавсифловчи кўрсаткичлари аниқланган;

турли этологик типларга хос бўлган қорақалпоқ сур қоракўл қўйларининг маҳсулдорлик ва айрим биологик хусусиятларини комплекс баҳолаш асосида уларнинг салоҳиятидан тўлароқ фойдаланиш имконини берувчи усуллар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқотларида қўйларнинг этологик типларини аниқлаш, уларнинг ўсиш ва ривожланиш, маҳсулдорлик кўрсаткичларини баҳолашнинг амалдаги услуб ва воситаларидан фойдаланилган. Тадқиқот натижалари Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий – тадқиқот институти, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ – овқат таъминоти илмий – ишлаб чиқариш маркази ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитаси томонидан ўтказилган апробацияларда ижобий баҳоланган, нуфузли илмий ва илмий – оммабоп нашрларда чоп қилинган, олинган рақамли маълумотларга вариацион статистика усулларида математик ишлов берилган, натижалар жорий этиш далолатномалари билан асосланганки, булар тадқиқот натижаларининг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, шимолий – ғарбий кумли чўли шароитида қорақалпоқ сур қўйлари энологик структураси аниқланган ва илмий жиҳатдан асосланган. Турли этограмма кўрсаткичлари, этологик типларнинг қўйларда қизилқумнинг экстремал чўл шароитига мослашишига боғлиқ ҳолда ҳаётчанлик, конституционал хусусиятлари, тирик вазн ҳамда

ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари, уларнинг ёш динамикаси ўрганилган. Шу билан бир қаторда қўйларнинг барра тери, гўшт, сўт, жун маҳсулдорлигини ўрганиш асосида улар орасидаги ўхшашлик ва фарқланиш хусусиятлари илмий асосланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки шимолий – ғарбий қизилқум шароитида қорақалпоқ сур қоракўл қўйларининг аниқланган хусусиятлари асосида улар салоҳиятидан фойдаланиш усуллари қўлланилган, уларни қўллаш асосида қўйлар маҳсулдорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш йўллари аниқланган, иқтисодий самарадорликни талаб даражасига етказишга имкониятлар очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Шимолий – ғарбий қизилқум шароитида урчитилаётган қорақалпоқ сур қоракўл қўйларининг этологик хусусиятларини, уларнинг маҳсулдорлик билан боғлиқлигини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

турли этологик типдаги қорақалпоқ сур қоракўл қўйларининг гўшт маҳсулдорлигини ошириш йўллари Қорақалпоғистон республикаси Тўрткўл туманининг “Қоракўл чорва насл” фермер хўжалигида жорий этилган (Қорақалпоғистон республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 05 мартдаги 03/018-575 сон, Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитасининг 2020 йил 29 майдаги 33/04-218 сон маълумотномалари). Натижада этологик типлар бўйича бир бош қўйдан олинган фойда 130000 сўмни, рентабеллик кўрсаткичи 59,7 фоизни ташкил этган;

қўйларнинг этологик типларини ҳисобга олган ҳолда селекциялаш усули Қорақалпоғистон республикаси Тўрткўл туманининг “Юсуп-Ахмет” фермер хўжалигида жорий қилинган (Қорақалпоғистон республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 05 мартдаги 03/018-575 сон, Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитасининг 2020 йил 29 майдаги 33/04-218 сон маълумотномалари). Натижада этологик типлар миқёсида 1 дона қоракўл териларини сотишдан соф фойда 15300 сўмни, рентабеллик даражаси 58,8 фоизни ташкил этган;

этологик типларини ҳисобга олиб қўйларнинг ўсиш, ривожланиш хусусиятларини ошириш усули Қорақалпоғистон республикаси Тўрткўл туманининг “Қилишбой-қудук” фермер хўжалигида жорий этилган (Қорақалпоғистон республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 05 мартдаги 03/018-575 сон, Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитасининг 2020 йил 29 майдаги 33/04-218 сон маълумотномалари). Натижада 1 бош қўй ҳисобига олинган фойда 98500 сўмга ошган, рентабеллик 52,4 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация иши бўйича бажарилган тадқиқот натижалари Қорақалпоғистон республикаси Тўрткўл тумани “Қоракўл чорва насл” фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш йиғилишларида (2018-2020 й.й), Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий – ишлаб чиқариш маркази (2018 й) ва Ветеринария ва чорвачилик ривожлантириш Давлат қўмитасининг (2019 – 2019 й.й.) апробациясида, Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий- тадқиқот институтининг Илмий кенгаши йиғилишларида (2018-2020 й.й.), шунингдек 3 халқаро, 2 республика илмий – амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та, жумладан 1 та тавсиянома, бажарилган тадқиқот натижалари халқаро ва республика илмий – амалий конференциялари материалларида 5 та, Ўзбекистон республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та, шундан 1 та хорижий нашрларда илмий мақолалар чоп этилган.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 114 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида талқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети ёритилган, Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига, илмий муассасанинг тематик режасига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий аҳамияти, натижаларни амалиётга жорий этиш, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши баён этилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар шархи”** номли биринчи бобида этология фанининг шаклланиши, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари, жумладан қўйларнинг этологик хусусиятлари, этограмма кўрсаткичлари ва уларнинг маҳсулдорлик билан боғлиқлигини ўрганиш йўналишида олимлар томонидан бажарилган тадқиқот ишларининг натижалари таҳлилланган ва шу асосида хулосалар қилиниб, мақсад ва вазифалар белгиланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот манзили, манбаи ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот манзили ва манбаи, тадқиқот схемаси ва усуллари ёритилган.

Тадқиқот объекти сифатида тоза зотли қорақалпоқ зот типига қоракўл қўйлари, терилари, жун, гўшт ва сут маҳсулотлари танланган. Тадқиқотларни олиб бориш услубиятлари, олинган маълумотларга статистик ишлов бериш усуллари ёритилган.

Диссертациянинг “Турли этологик типдаги қорақалпоқ сур қоракўл қўйларининг айрим этограмма кўрсаткичлари ва биологик хусусиятлари” номли учинчи бобида ушбу кўрсаткичларни ўрганиш йўналишидаги тадқиқот натижалари ёритилган.

Қўйларнинг этологик хусусиятлари ва этограмма кўрсаткичларини ўрганиш йўналишидаги тадқиқотларида урчитилаётган 422 бош 3-4 ёшли қорақалпоқ сур қоракўл қўйларини хулқ – атвори бўйича тестлаш ишлари амалга оширилиб, натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Қўйларни хулқ – атвори бўйича тестлаш натижалари, % ($X \pm S_x$)

Хулқ – атвор типи	Хулқ – атвор типлари бўйича салмоғи	
	Бош	%
1	236	55,9±3,23
2	120	28,4±4,12
3	66	15,7±3,04
Жаъми	422	100,0

Жадвал маълумотлари кўрсатадики, олиб борилган тестлаш натижасида қўйларнинг 236 бош ёки 55,9±3,23 фоизи биринчи, 120 боши ёки 28,4±4,12 фоизи иккинчи, 66 боши ёки 15,7±3,04 фоизи учинчи этологик типга мансублиги билан характерланган.

Муҳим аҳамият касб этувчи масалалардан бири бу қўйларнинг вояга етиш давригача яйлов озуқаларидан яхши, бемалол фойдаланишга ўрганишидир. Ушбу йўналишда олиб борилган кузатувларнинг натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Қўйларда хулқ – атвор типларининг ўзгариши, % ($X \pm S_x$)

Хулқ – атвор типи	Ёш даврлари			
	3-4 кунлик (n=242)	5,5-6 ойлик (n=235)	12 ойлик (n=218)	18 ойлик (n=215)
1	34,9±3,069	53,1±3,26 ^x	46,2±3,38 ^x	49,7±3,41 ^x
2	39,3±3,13	29,4±2,97 ^x	32,7±3,18	33,8±3,23
3	25,8±2,81	17,5±2,48 ^x	21,1±2,76	16,5±2,53 ^x

P)-P<0,001; P<0,05

Тадқиқот натижалари қўйлар хулқ – атворининг турли ёш даврларида бир хил бўлмаслигини, яъни ўзгаришини кўрсатади. Туғилганининг 3-4 кунлигида, яъни кўзилигида уларда хадиқираш, кўрқоқлик хислатлари кучли бўлиб, бундай кўзилар умумий поданинг 2/3 қисмини (65,1%) ташкил этишини жадвал маълумотларидан кўриш мумкин. Кейинчалик (5,5-6,0 ой) яйлов озуқалари билан озикланиш шароитига ўтиши уларда маълум даражада асаб – рефлексор хусусиятларининг мувозанатлашиши ва ёввошланиши оқибатида 1- типга мансуб қўйлар салмоғи ортиб (53,1±3,26 %;

$P < 0,001$), 2 ва 3-типларга мансуб кўйлар салмоғининг мутаносиб равишда 9,9 ($P < 0,05$) ва 8,3 ($P < 0,05$) фоизга статистик ишончли равишда камайгани қайд этилди. Кўйларнинг кейинги 12 ва 18 ойлик ёш даврларида бу муносабатларнинг маълум даражада бузилишини кўриш мумкин. Бу даврларида 1-типга мансуб кўйлар салмоғи 5,5-6,0 ойлик ёш давридаги нисбатан 6,9 ва 3,4 фоизга камайгани аниқланди.

Олиб борилган тадқиқотлар бўйича айтиш мумкинки, вояга етиш давригача кўйлар асаб – рефлексор реакция жиҳатидан ёввошланиб, яйловда озучаланиш шароитига мослашади ва озучалардан унумли фойдаланиш кўникмасининг ортиши ҳисобига ҳаётини жараёнларини бошқаради.

Кўйларнинг этограмма кўрсаткичлари

Куз мавсумида тажрибадаги ҳар хил этологик типлардаги кўйлар тирик вазнига боғлиқ ҳолда сутка давомида этологик актларни бажаришга сарфлаган вақтлар, яъни этограмма кўрсаткичлари хронометраж усулида ўрганилди (3-жадвал).

3-жадвал

Турли этологик типдаги кўйларнинг этограмма кўрсаткичлари


Хулқ – атвор типи	Кузатилган кўйлар сони, бош	Хулқ – атвор актлари давомийлиги, минут				
		Кавш қайтариш	Дам олиш	Сув ичиш	Ўтлаш (озуқа фаоллиги)	Ҳаракатланиш
I	5	260	195	20	785	180
II	5	243	240	21	739	197
III	5	205	262	19	679	275

Олиб борилган кузатувлар этограмма кўрсаткичлари бўйича турли этологик типга мансуб кўйларнинг бир – биридан маълум даражада фарқланишини, яъни хулқ – атвор актларининг намоён бўлишида ҳар бир этологик тип учун аниқ қонуниятлар мавжудлигини кўрсатади. Биринчи этологик типдаги кўйларда бошқа типлардаги кўйларга нисбатан озикланиш хулқ – атвор (785 минут) ва шунга мос равишда кавш қайтариш (260 минут) актлари кучли ривожланган бўлиб, уларда дам олиш, сув ичиш ва ҳаракатланиш актларига кам вақт сарфлаши кузатилди. Ушбу хусусиятлар уларнинг яйлов озучаларини кўпроқ истеъмол қилиши орқали тирик вазнининг жадал ўсишини таъминлайди.

Иккинчи ва учинчи этологик типлардаги кўйларда биринчи этологик типдаги кўйларга нисбатан дам олиш (230 ва 262 минут) ва кўпроқ ўтламасдан ҳаракатланишга (197 ва 275 минут) мойиллиги кўзга ташланиб, кам озуқа истеъмол қилгани сабабли кавш қайтаришга камроқ (243 ва 205 минут) вақт сарфланиши аниқланди. Бу хусусиятлардан ўз навбатида тирик вазнининг сустроқ ортишига олиб келади деган хулосага келиш имконини беради. Умуман олганда озикланиш фаоллиги актига биринчи этологик типдаги кўйлар умумий вақтнинг 54,5 фоизини сарфлаган бўлса, ушбу кўрсаткичнинг иккинчи тип кўйларида 51,3 фоизни, учинчи тип кўйларида

эса 47,2 фоизни ташкил этгани кузатилди. Маълумки, турли физиологик ҳолатда қўйларда этограмма кўрсаткичлари маълум ўзгаришларга учрайди. Муҳим ҳолатлардан бири қўйларнинг қўзилагандан кейинги хулқ – атвор актларини бажаришга сарфлайдиган вақтидир.

Олинган натижалар кўрсатадики, қўйларнинг физиологик ҳолати уларда хулқ – атвор актларининг давомийлигини ўзгартиради. Қўзиларни эмдиришга бўлган эҳтиёж уларда биринчи ўринга чиқади. (1-расм)



1-расм. Қўзили қўйларда хулқ – атвор актларининг умумий вақтга нисбатан бажарилиш давомийлиги, %


Кўриш мумкинки, қўзилагандан кейин қўйларда ҳаракатланиш ва озиқланиш акти кескин ортади. Айниқса бундай ҳолат 1-этологик типга мансуб қўйларда яққол кўринишга эга бўлиб, улар умумий вақтнинг 82,0 фоизини озиқланишга сарфлангани аниқланди. Бу кўрсаткичнинг 2- этологик типдаги қўйларда 70,0 фоизни, 3- этологик типдаги қўйларда эса 69,9 фоизи ташкил этгани қайд этилди.

Шу билан бир қаторда айтиш мумкинки, озиқланиш бўйича эмизикли қўйларда озиқланиш актига сарфланадиган вақт қўйларнинг туғмасдан олдинги кўрсаткичига нисбатан сезиларли даражада (18-22%) кўпаяди ва ҳосил бўладиган энергия қўзиларни эмизишга сарфланади.

Қўйларнинг айрим биологик хусусиятларини аниқлаш бўйича турли этологик типдаги қўйлар ва уларнинг авлодларида айрим биологик кўрсаткичларни ўрганиш йўналишида тадқиқот ишлари олиб борилди.

Тирик вазн. Тадқиқотларни олиб бориш жараёнида тажрибадаги турли этологик типларга мансуб қўйларда тирик вазн кўрсаткичининг асосий мавсумлар бўйлаб ўзгариш динамикаси ўрганилди. Олинган маълумотлар 2-расмда умумлаштирилган.


Олинган маълумотлардан барча мавсумларда 1-этологик типдаги қўйларнинг тирик вазн кўрсаткичи бўйича устунлигини кўриш мумкин.




2-расм. Мавсумлар бўйлаб қўйлар тирик вазнининг ўзгариши

Бунда 1-типдаги қўйларнинг тирик вазни туққандан кейин $36,49 \pm 0,42$ килограммга тенг бўлиб, ушбу кўрсаткич бўйича уларнинг устунлиги иккинчи типга нисбатан 1,36 килограммни ($P < 0,05$), учинчи типга нисбатан 3,73 килограммни ($P < 0,001$) ташкил этгани аниқланди. Ушбу кўрсаткичнинг қўйлардан қўзиларини ажратган даврдаги катталиги 1-этологик типда $39,72 \pm 0,48$ килограммни, 2-этологик типда $38,42 \pm 0,47$ килограммни, 3-этологик типда эса $36,14 \pm 0,49$ килограммни, биринчи типнинг устунлиги иккинчи типга нисбатан 1,3 килограммни ($P < 0,05$), учинчи типга нисбатан 3,58 килограммни ($P < 0,001$) ташкил этгани кузатилди. Қўйларда қочирим даврига келиб тирик вазнининг янада кўтарилганини, шу билан бир қаторда 1-этологик тип қўйлари иккинчи ва учинчи тип қўйларига нисбатан статистик ишончли ($P < 0,05$; $0,001$) юқори тирик вазн кўрсаткичига эга бўлгани қайд этилди. Қўйлар тирик вазнини пропорционал ривожлантириш, оширишда ушбу кўрсаткичнинг даврлараро ўсиш хусусиятларини билиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу йўналишдаги тадқиқот натижалари таҳлилидан бир неча ўзига хос хусусият ва қонуниятларни кўриш мумкин. (3-расм)


Мутлақ ўсиш, кг



Нисбий ўсиш, кг



Суткалик ўсиш, г




3-расм. Турли этологик типдаги қўйлар тирик вазнининг мутлақ, нисбий ва суткалик ўсиш кўрсаткичлари

Биринчидан, тирик вазннинг мутлақ ўсишида энг юқори кўрсаткич 1-этологик типдаги қўйларда кузатилиб (5,25 кг), унинг катталиги 2-этологик типдаги қўйларда 5,00 килограммни, 3-этологик типдаги қўйларда эса 3,91 килограммни ташкил этгани қайд этилди. Тирик вазннинг нисбий ва суткалик ўсишида ҳам 1-этологик типдаги қўйларнинг устунлигини кўриш мумкин. Ушбу кўрсаткич туққандан қўзиларидан ажратилгунгача 2,23 килограммни ташкил этган бўлса, 3-этологик типда қўйларнинг анча паст кўрсаткичга (1,38 кг) эга бўлгани аниқланди. Бундай устунликни қўзилари ажратилгандан қочиримгача бўлган даврда ҳам қайд этилди.

Иккинчидан, қўйларнинг этологик типларидан қатъий назар тирик вазн ортишининг туққандан қўзилари ажратилгунгача даврга нисбатан қўзилари ажратилгандан қочиримгача бўлган даврда сезиларли даражада жадаллашишини кузатиш мумкин.

Қўйларнинг этологик типларига боғлиқ ҳолда уларнинг авлодларида тирик вазн динамикасини ўрганиш йўналишида тадқиқотлар амалга оширилди. Маълумотлар 4-расмда келтирилган.



4-расм. Турли этологик типдаги қўйлар авлодларининг тирик вазн динамикаси

Маълумотлардан кўриш мумкинки, барча ёш даврларида 1-этологик типдаги қўйлардан олинган авлодлар тирик вазн кўрсаткичи бўйича устунлик қилган. Биринчи этологик типдаги қўйлар авлодларининг 2 ва 3 типдаги қўйлар авлодлари кўрсаткичларига нисбатан устунлиги юқорида қайд этилганидек туғилганида мутаносиб равишда 260 ва 400 граммни, 4-4,5 ойлигида 1,36 ва 2,45 килограммни, 12 ойлигида 1,32 ва 1,85 килограммни, 18 ойлигида эса 0,82 ва 2,46 килограммни ташкил этганки, бу ишлаб чиқариш шароитида қўйларни этологик типларга ажратиш ва 1-типга мансуб қўйлардан максимал фойдаланишни тақозо этади.

Тажрибадаги кўйлардан олинган авлодларнинг конституционал хусусиятларини ўрганиш натижалари биринчи этологик типдаги кўйлар авлодларининг аксарияти (80,7%) мустаҳкам конституцияга эгаллигини 2 ва 3-этологик типли кўйлар авлодларида мустаҳкам типли авлодлар салмоғининг маълум даражада камайиб (мутаносиб равишда 76,6 ва 68,5 фоиз), нозик типли авлодлар салмоғининг ортиб (мутаносиб равишда 17,3 ва 25,9 фоиз) бориш ҳолати кузатилди.

Диссертациянинг “Турли этологик типдаги кўйларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари” деб номланган 4 бобида кўйлар ва улар авлодларининг маҳсулдорлик хусусиятларини баҳолаш натижалари ёритилган. Муҳим белгилардан ҳисобланган гул типлари ва шаклларининг авлодларда намоён бўлишини ўрганиш натижалари 4-жадвалда берилган.

4-жадвал

Авлодларнинг гул типларига тақсимланиши ва типга хос гуллар салмоғи

Кўйларнинг этологик типи	Олинган авлодлар, бош	Авлодларнинг гул типи, % ($X \pm S_x$)			
		Ярим доира қаламгул	қовурғасимон	ясси	Ўсикгул
I	190	47,9±3,62	20,1±2,91	15,7±2,64	16,3±2,68
II	98	52,0±5,05	23,1±4,26	14,7±3,58	12,2±3,31
III	66	48,5±6,15	21,1±5,02	16,8±4,60	13,6±4,22
Типга хос гуллар салмоғи, % ($X \pm S_x$)					
I	190	63,1±3,50	72,8±3,23	69,1±3,35	79,2±2,94
II	98	70,7±4,60	75,6±4,34	72,3±4,52	73,5±4,46
III	66	68,1±5,74	75,8±5,27	68,4±5,72	74,8±5,34

Жадвал маълумотларидан барча ҳолатларда мақсадга мувофиқ гул типдаги авлодларнинг юқорироқ чиқими билан 2- этологик типдаги кўйлар авлодларининг ажралиб турганлигини кўриш мумкин. Ушбу гуруҳда ярим доира қаламгул типли авлодлар салмоғи 52,0±5,05 фоизни ташкил этиб, 1-этологик типдаги кўйлар авлодларидан 4,1%, учинчи этологик типдаги кўйлар авлодларидан 3,5% устунлик қилгани аниқланди.

Жун толаларининг сифатини (ипаксимонлик ва ялтироқлик) ўрганиш бўйича тадқиқотларда турли этологик типли кўйлар авлодларининг жун толаларининг ипаксимонлик ва ялтироқлиги бўйича маълум даражада фарқланиш кузатилди.

Маълум тадқиқотларда ушбу кўйлар рангбарангликларининг намоён бўлиш, наслга берилиш хусусиятлари ўрганилган бўлса ҳам уларнинг ушбу хусусиятлари кумли чўл худудида кўйларнинг этологик типларига боғлиқ ҳолда ўрганилмаган. Ушбу йўналишдаги тадқиқот натижалари авлодларнинг рангбарангликларга тақсимланишининг кўйларнинг этологик типларига боғлиқ эмаслигини кўрсатади. Кўйларнинг этологик типлар бўйича шамчироқгул рангбарангликдаги авлодлар салмоғи 26,9-28,6 фоизни,

ўрикгул рангбарангдаги авлодлар салмоғи 25,1-26,3 фоизни пўлати рангбаранглигидаги авлодлар салмоғи 25,4-26,6 фоизни, камар рангбаранглигидаги авлодлар салмоғи 19,4-21,6 фоизни ташкил этгани аниқланди.

Тадқиқотлар давомида турли этологик типдаги қўйлардан олинган авлодлар селекцион белгиларни баҳолаш ишлари натижаларини умумлаштириш асосида уларнинг синфлилиги аниқланди (5-жадвал).

5-жадвал

Турли этологик типли қўйлардан олинган авлодларнинг синфлилик кўрсаткичлари

Қўйларнинг этологик типи	Олинган авлод, бош	Авлодлар синфи, % ($X \pm S_x$)			
		элита	1-синф	2-синф	Яроқсиз
I	190	25,3±3,15	62,0±3,52	11,6±2,32	1,1±0,72
II	98	22,4±4,21	61,4±4,92	13,1±3,41	3,1±1,66
III	66	21,2±5,02	59,1±6,05	13,6±4,17	6,1±2,95

Синфлилик даражаларини ўрганиш йўналишидаги тадқиқот натижаларини таҳлиллашда маълум даражадаги фарқланишлар кузатилди. Элита синфли авлодлар салмоғи бўйича 1-этологик типдаги қўйлар авлодларининг 2 ва 3-этологик тип авлодларига нисбатан маълум даражада устунлик қилиши аниқланиб, бу устунлик 2-типга нисбатан 2,9 фоизни, 3-типга нисбатан 4,1 фоизни ташкил этгани қайд этилди. Гўшт маҳсулдорлигини оширишда қўйларнинг этологик типларини инобатга олиш ҳам муҳим аҳамият касб этадики, бу йўналишда олиб борилган тадқиқотлар даражаси етарли эмас.

6-жадвал

Турли этологик типдаги қорақалпоқ сур қўйларидан олинган кўчқорчаларнинг гўшт маҳсулдорлиги

Кўрсаткичлар	I-этологик тип қўйлардан олинган кўчқорчалар	II-этологик тип қўйлардан олинган кўчқорчалар	III-этологик тип қўйлардан олинган кўчқорчалар
Кўчқорчалар сони, бош	3	3	3
Сўйим олди тирик вазни, кг	40,4±0,49	38,9±0,42	37,8±0,40
24 соатдан кейинги тирик вазн, кг	38,6±0,35	37,1±0,35	36,2±0,33
Нимта оғирлиги, кг	18,2±0,24	17,5±0,21	17,1±0,19
Ички ёғлар оғирлиги, кг	0,98±0,11	0,41±0,05	0,33±0,04
Сўйим оғирлиги, кг	19,18±0,36	17,91±0,31	17,43±0,29
Сўйим чиқими, %	49,7	48,3	48,1

Жадвал маълумотлари гўшт маҳсулдорлиги бўйича этологик типлариаро маълум даражадаги фарқланишларни кўрсатади. Бунда барча кўрсаткичлар

бўйича 1-этологик типнинг устунлик қилиши аниқланиб, бундай устунлик тирик вазн бўйича 1,5 ва 2,6 килограммни, нимта оғирлиги бўйича 0,7 ва 1,1 килограммни, ички ёғлар оғирлиги бўйича 0,47 ва 0,65 килограммни, сўйим оғирлиги бўйича эса 1,27 ва 1,75 килограммни ташкил этгани қайд этилди. Ушбу устунликлар ҳисобига 1-этологик тип кўйларида сўйим чиқимининг мутаносиб равишда 1,4 ва 1,6 фоиз юқори кўрсаткичлари кузатилди.

Кўйларнинг этологик типлари миқёсида ишлаб чиқарилган қоракўл терилари бўйича олиб борилган иқтисодий таҳлиллар 1-этологик типдаги кўйларнинг 2 ва 3 этологик типдаги кўйларга нисбатан сезиларли устунлигини кўрсатади (7-жадвал).

7-жадвал

Тадқиқот натижаларини иқтисодий баҳолаш

№	Кўрсаткичлар	Қоракўл терилари бўйича			Гўшт бўйича		
		Кўйларнинг этологик типлари			Кўчқорчаларнинг этологик типлари		
		I	II	III	I	II	III
1	Олинган маҳсулот (дона, кг)	36	28	22	57,54	53,73	52,29
2	Сатҳ ўлчами, см ²	1456,8 ±8,92	1384,7 ±8,46	1302,7 ±7,86	-	-	-
3	Маҳсулот бирлигини (дона, кг) сотиш баҳоси, минг сўм	96,3	89,4	80,6	41,0	39,5	38,0
4	Жаъми маҳсулотдан олинган даромад, минг сўм	3466,8	2503,2	1773,2	2359,1	2122,3	1987,0
5	Маҳсулот бирлиги таннархи, минг сўм	32,6	32,6	32,6	19,0	19,0	19,0
6	Жаъми таннарх, минг сўм	1173,6	9128,0	7172,0	1093,3	1020,9	9935,1
7	Олинган фойда, минг сўм	2293,2	1590,4	1056,0	1265,9	1101,5	9935,1
8	Рентабеллик, %	66,1	63,5	59,6	53,7	51,9	50,0

Ушбу устунлик ҳар 1 дона қоракўл терисини сотиш баҳосининг мутаносиб равишда 6900 ва 15700 сўмга, олинган соф фойданинг ҳам шунга мос равишда юқори бўлишида, рентабеллик даражасининг 2,6 ва 6,5% баландлигида ўз ифодасини топгани аниқланди. Ишлаб чиқарилган гўшт маҳсулоти бўйича иқтисодий таҳлиллар натижаларида ҳам 1-этологик типнинг маълум даражадаги устунлиги қайд этилди. Бунда улардан кўпроқ гўшт ишлаб чиқарилиши, гўштининг сифатли бўлиши ҳисобига сотиш

баҳосининг ортиши, соф фойданинг кўпайиши ва пировардда рентабеллик даражасининг юқори бўлиш ҳолатлари кузатилди.

ХУЛОСАЛАР

Шимолий-ғарбий қизилқум шароитида корақалпоқ сур корақўл кўйларининг этологик хусусиятларини, этограмма ва маҳсулдорлик кўрсаткичларини ўрганиш натижаларига асосланган ҳолда қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

1. Оғир экстремал қумли чўл шароити кўйларда яшовчанлик қобилиятини сақлаш ва оширишга интилишини кучайтирганки, буни уларнинг этологик типларга тақсимланишидан кўриш мумкин. Бундай ҳолат ушбу шароитда уларнинг аксарият қисмининг ($55,9 \pm 3,29\%$) кучли ва ўрта даражадаги ($28,4 \pm 4,12\%$) “озуқа” реакциясига эга бўлиши билан изоҳланади. Бу эса яхши озикланиш ҳисобига уларнинг яшовчанлик даражасини оширади.

2. Кўйларда турли ёш даврларига боғлиқ ҳолда этологик типларнинг ўзгарувчанлиги, яйлов озуқасига ўтиши сабабли уларнинг $83,5$ фоизининг биринчи ($49,7 \pm 3,41\%$) ва иккинчи ($39,8 \pm 3,23\%$) типлар билан характерланиши кузатилди. Бу эса уларнинг яйлов озуқаларидан унумли фойдаланишига имкон яратади.

3. Турли этологик типдаги кўйлар этограмма актларини бажаришга сарфлайдиган вақтлари билан бир-биридан фарқ қилади. Биринчи этологик типдаги кўйлар 2 ва 3 типлардаги кўйларга нисбатан ўтлаш (озуқа фаоллиги) ва шунга мос равишда кавш қайтариш актларига кўпроқ (785 ва 260 минут), дам олиш ва ҳаракатланиш актларига камроқ (195 ва 180 минут) вақт сарфлайди ва шунинг ҳисобига яйлов озуқаларидан унумли фойдаланади. Бу эса уларнинг жадал ўсиш ва ривожланишини, юқорироқ ҳаётчанлик даражасига эга бўлишини таъминлайди.

4. Турли физиологик ҳолат ва об-ҳаво ўзгарувчанлиги шароитларида кўйларда этограмма актларини бажариш давомийлиги ўзгаради. Эмизикли даврда кўйлар асосий вақтни ҳаракатланиш ва озикланишга сарфлайди. Бу кўрсаткич 1- этологик типдаги кўйларда умумий вақтнинг $82,0$ фоизини, 2 ва 3 этологик типлардаги кўйларда мутаносиб равишда $70,0$ ва $69,9$ фоизини ташкил этади. Очиқ ва иссиқ ҳавога нисбатан ёмғирли салқин ҳавода улар “ҳаракатланиш-озикланиш” актига сарфланадиган вақтни деярли $10,0$ фоизга оширади.

5. Биринчи этологик типдаги кўйларнинг 2 ва 3 типларга нисбатан тирик вазн кўрсаткичи бўйича статистик ишончли ($P < 0,05$; $0,001$) устунлиги қайд этилди. Бундай устунлик уларда вазннинг мутлақ, нисбий ва суткалик ўсиш кўрсаткичларининг жадаллиги ҳисобига туққандан кейинги даврда $1,36$ ($P < 0,05$) ва $3,73$ ($P < 0,001$) килограммни, кўзилари ажратилгандан кейин $1,3$ ($P < 0,05$) ва $3,58$ ($P < 0,001$) килограммни, қочирим олдидан эса $1,16$ ва $3,07$ килограммни ($P < 0,001$) ташкил этганида кўринади. Тирик вазн кўрсаткичи

бўйича кузатилган 1-этологик тип қўйларининг устунлиги экстерьер ўлчамлари ва тана тузилиши индекслари бўйича ҳам қайд этилди.

6. Турли этологик типли қўйлар авлодларининг ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичларини ўрганишда 1-этологик типли қўйлардан олинган авлодлар тирик вазнининг устунлиги 2 ва 3-тип қўйлар авлодларининг тирик вазнига нисбатан туғилганда 0,26 ва 0,40 килограммни ($P < 0,001$), 4-4,5 ойлигида 1,36 ва 2,45 килограмм ($P < 0,001$), 18 ойлигида 0,82 ва 2,46 ($P < 0,001$) килограммни ташкил этгани қайд этилди. Ёш даврлари бўйича 1-этологик тип қўйлари авлодлари тирик вазнининг жадал мутлақ, нисбий ва суткалик ўсиш кўрсаткичлари билан характерланиб, уларнинг устунлиги тана ўлчамлари ва тана тузилиш индекслари бўйича ҳам кузатилди.

7. Биринчи этологик типдаги қўйлар ва улардан олинган авлодларнинг 2 ва 3-тип қўйлар ва уларнинг авлодларига нисбатан конституционал мустаҳкамлиги, юқорироқ даражадаги ҳаётчанлик ва пуштдорлик хусусиятлари билан ажралиб туриши кузатилди. Мустаҳкам конституция бўйича устунлик қўйларда 8,9 ва 18,5 фоиз, қўзиларда 4,1 ва 12,2 фоиз, туғилгандан ҳаётчанлик бўйича туғилгандан 18 ойликкача ҳаётчанлик бўйича 3,5 ва 6,5 фоиз, пуштдорлик бўйича эса 6,3 ва 13,8 фоиз даражаларида қайд этилди.

8. Турли этологик типдаги қўйлар авлодларининг барра-тери кўрсаткичларини ўрганиш натижасида улар орасида сезиларли даражадаги фарқланишлар аниқланди. Бунда оптимал кўрсаткичлар билан 2-этологик типли қўйлар авлодлари характерланиши кузатилди. Уларнинг устунлиги мақсадга мувофиқ гул типлари салмоғи бўйича 0,1 ва 3,6 фоизни, мустаҳкам гулли авлодлар салмоғи бўйича 2,5 ва 8,5 фоизни, аниқ гул расмига эга авлодлар бўйича 1,7 ва 9,4 фоизни ташкил этди. Биринчи этологик тип қўйлар авлодларининг жун толаларининг ипаксимонлиги ва ялтироқлиги бўйича 2,0-4,0 фоиз даражасидаги устунлиги қайд этилиб, ранг ва рангбаранглик кўрсаткичлари бўйича сезиларли фарқланишлар аниқланмади.

9. Турли этологик типдаги қўйларнинг жун, сут ва гўшт маҳсулдорлигини ўрганиш йўналишидаги тадқиқотларда биринчи этологик типдаги қўйларнинг сезиларли устунлиги кузатилди. Жун қирқими бўйича бундай устунлик қўйлар бўйича 35,0 ва 103,0 грамм, авлодлар бўйича 78,0 ва 139,0 грамм, 30 кунлик сут маҳсулдорлиги бўйича эса 1,27 ва 1,75 килограмм даражаларида қайд этилди.

10. Қоракўл териларининг сифат кўрсаткичлари ҳамда ёш қўчқорларнинг гўшт маҳсулдорлиги бўйича тадқиқот натижаларининг иқтисодий таҳлили 1- этологик типнинг маълум даражадаги устунлигини кўрсатади. Ушбу ҳолатда устунлик рентабеллик даражаси бўйича қоракўл терилари миқёсида 2,6 ва 6,5 фоизни, гўшт маҳсулдорлиги миқёсида 1,8 ва 3,7 фоизни ташкил этгани аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05/30.12.2019.Qx.75.01. ПРИ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ КАРАКУЛЕВОДСТВА И
ЭКОЛОГИИ ПУСТЫНЬ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
КАРАКУЛЕВОДСТВА И ЭКОЛОГИИ ПУСТЫНЬ**

УРИМБЕТОВ АХМЕТ АБДИРАЗАКОВИЧ

**ЭТОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ КАРАКУЛЬСКИХ ОВЕЦ СУР
КАРАКАЛПАКСКОГО ПОРОДНОГО ТИПА В УСЛОВИЯХ СЕВЕРО-
ЗАПАДНЫХ КЫЗЫЛКУМОВ**

**06.02.03 – Частная зоотехния. Технология производства
продуктов животноводства**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

САМАРКАНД – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров республики Узбекистан за номером B2018.1.PhD/Qx265

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте каракулеводства и экологии пустынь.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.uzkarakul.uz) и в информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Бобокулов Насилло Асадович доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Официальные оппоненты:	Турганбаев Рузимбай Уразбаевич доктор сельскохозяйственных наук, профессор Ажиниязов Бахытбай Кенесбаевич доктор философии сельскохозяйственных наук
Ведущая организация:	Научно-исследовательский институт шелководства

Защита диссертации состоится «25» 08 2020 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.05/30.12.2019.Qx.75.01. по присуждению ученой степени доктора философии (PhD) при Научно-исследовательском институте каракулеводства и экологии пустынь (Адрес: 140154, Самарканд, ул. М. Улугбека, 47. Научно-исследовательский институт каракулеводства и экологии пустынь, конференц-зал, 2 этаж, тел: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81; e-mail: uzkarakul30@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института каракулеводства и экологии пустынь (зарегистрировано за номером № 174). Адрес: 140154, Самарканд, ул. М.Улугбека, 47. Административное здание института, 1 этаж, тел.: (0366) 233-32-79; факс: (0366) 233-34-81).

Автореферат диссертации разослан «14» 08 2020 года.
(Реестр протокола рассылки № 5 от «14» 08 2020 года)



М.Э.Аширов

Заместитель председателя Научного совета по присуждению учёной степени, д.с.х.н., профессор

М.Ш.Исмаилов

Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёной степени, д.с.х.н., с.н.с.

С.Ю. Юсупов

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёной степени, д.с.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Отрасль каракулеводства занимает важное место в животноводстве Республики, составляющие его основу каракульские овцы приспособлены к использованию более 20,0 млн. гектаров пустынных пастбищ, характеризующихся суровыми экстремальными природными условиями. Основной продукцией каракульских овец являются каракульские смушки, которые своей окраской и расцветкой, а также неповторимыми завитками высоко ценятся в мировом масштабе.

В мире ценные свойства каракульских овец послужило распространению и разведению породы в более чем 40 странах мира. Среди них такие страны, как Узбекистан, Казахстан, Туркмения, Таджикистан, Южно-Африканская Республика, Намибия, Афганистан относятся к ряду стран с развитым каракулеводством.¹

В страны СНГ каракульские овцы разводятся в республики Калмыкия Российской Федерации, на Украине, Молдавии. В этих странах с развитым каракулеводством проведены широко-масштабные научно-исследовательские работы по направлениям усовершенствования наследственности, расширения генофонда, улучшения продуктивных и племенных свойств овец, созданы ценные генотипы овец различных окрасок, расцветок и завитковых типов.

Следует отметить, что наряду с результативными исследовательскими работами еще существует не использованный потенциал каракульских овец. Выявление их считается задачей дальнейших исследовательских работ.

Президент и Правительство Республики Узбекистан, как и всем отраслям народного хозяйства, уделяют большое внимание развитию каракулеводческой отрасли. В Стратегии действий развития по пяти основным направлениям Республики Узбекистан на 2017-2021 годы уделено особое внимание «...интенсивному развитию сельского хозяйства, укреплению продовольственной безопасности, увеличению производства экологически чистой продукции, интенсивному развитию животноводства, удовлетворению нарастающего спроса населения на животноводческую продукцию»²

Только за последние три года Президентом Республики Узбекистан были приняты постановления по развитию каракулеводства ПП-2841-«О дополнительных мерах по углублению экономических реформ в животноводстве» от 16 марта 2017 года, ПП-3603-«О мерах по ускоренному развитию каракулеводческой отрасли»

¹. www.fao.org/3/a-a1250r.pdf

². ПФ-4947 от 07 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»² www.fao.org/3/a-a1250r.pdf

от 14 марта 2018 года и ПП-4420-«О мерах по комплексному развитию каракулеводческой отрасли» от 16 августа 2019 года, которые вместе с

